

Боламга исми оғирлик қиладими?

11:26 / 03.12.2018 4124

Ассалому алайкум! Ўғлимнинг исми Муҳаммад Юсуф. Ҳозирда унинг саломатлиги дуруст эмас. Сергелидан бир домла боламни кўриб, 1 қоп ун, 1 қоп шакарни кўрлар жамиятига эҳсон қилинглари, кейин Занги отага 4 метр суруп ва 4 та нон ташлаб келинглари, сўнг исмини ўзгартиринглари, қайтадан азон айттиринглари, болани юк босган деди, фақат биринчи азон айтган одамга айттиринглари деяпти. Шу тўғрими?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

– Ва алайкум ассалом! Бундай маслаҳат берган кишини домла исми билан номлагандан кўра, бидъатчи, илмсиз, жоҳил, шариатдан мутлақо хабари йўқ, деган афзал. Бундай ҳолатда болани шифокорга олиб бориш ё ҳадисларда келгандек кўз теккан бўлса шаръий руқия ўқийдиган кишига олиб бориш лозим. Ҳозирда одамлар динга нисбатини бериб жуда кўп нарсаларни ўзича тўқиб олишган. Ваҳоланки, уларнинг динимизга заррача ҳам алоқаси йўқ. Исм оғирлик қилади, деган гап ҳам шулар жумласидандир. Шунинг ўрнига икки буюк пайғамбарнинг исми болани [Аллоҳ](#) таолога маҳбуб бўлишига сабаб бўлади, деса ақл ва мантиққа тўғри келар эди. Валлоҳу аълам!